O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV. №

Shu aziz Vatan — barchamizniki

ÓZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2002 YIL
4 APREL
PAYSHANBA
№ 43 (26.902)
1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

СУРХОН ДИЁРИДА КАТТА ТЎЙ

2 АПРЕЛЬ КУНИ ТЕРМИЗНИНГ 2500 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН БАЙРАМ ТАНТАНАЛАРИ БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ НУТҚ СЎЗЛАДИ

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ТЕРМИЗ ШАҲРИНИНГ 2500 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Хонимлар ва жаноблар!

Бугун сиз азизлар билан халқимиз ҳаётидаги яна бир унутилмас воқеа — қадимий Термиз шаҳрининг 2500 йиллик тўйи муносабати билан шу қутлуғ заминда дийдор кўришиб турганимдан беҳад бахтиёрман.

Гўзал юртимизда баҳор нафаси кезиб юрган мана шундай ёруғ ва файзли кунларда ушбу тантанали маросимга узоқ-яқиндан ташриф буюрган юртдошларимизни, муҳтарам меҳмонларимизни, бағрикенг Сурхон аҳлини, барча-барчангизни шу тарихий сана билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Бугунги тантанада иштирок этаётган ЮНЕСКО халқаро ташкилоти ҳамда дипломатик корпус намояндаларига, хорижий мамлакатларнинг олимлари ва оммавий ахборот воситаларининг вакилларига ўз номимдан, бутун халқимиз номидан миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсизлар.

Азиз дўстлар!

Бугун биз яшаётган Ўзбекистон тупроғи дунёдаги энг кўҳна ва бетакрор масканлардан биридир. Бу ҳақиқатни кўп-кўп мисоллар, тарихий ва илмий далиллар асосида исботлаб бериш мумкин.

Ўзбекистон заминининг қайси ҳудудига мурожаат қилмайлик, минг-минг йиллар қаъридаги илк ҳаёт нишоналарини, энг қадимий маданият ва санъат намуналарини ҳар қадамда топиш, шу орқали бу ерларда қандай буюк цивилизация мавжуд бўлганини кўришимиз муқаррар.

Бу ҳақда гапирганда, биз Фарғона водийсидаги Селунгур, Тошкент воҳасидаги Кўлбулоқ, Қашқадарёдаги Узунқир каби дастлабки одамзот манзилгоҳларини, Самарқанддаги Афросиёб, Хоразм заминида яратилган нодир «Авесто» китоби, Бухородаги зардуштийлик ибодатхоналари сингари кўплаб ёдгорликларни назарда тутамиз.

Мухтасар қилиб айтганда, мана шу мўътабар юртимиздаги ер ости хазиналаридан, асрлар давомида сукутга чўмиб ётган шаҳристонлардан топилган археологик ашёлар, ноёб тасвирлар ва ҳали очилмаган, ўз сирларини пинҳон сақлаб келаётган чўлу биёбонлар, ҳеч шубҳасиз, бугун биз яшаётган тупроқда қадим-қадим замонлардан бошлаб буюк маданият ва санъат ривожланганини тасдиқлайди.

Шу маънода, улуғ аждодларимизнинг умумжаҳон ва умумбашарият тараққиётига қўшган улкан ҳиссасини ҳозирги кунда дунёда ҳеч ким инкор қилолмайди. Бундай хулосани юзлаб бебаҳо топилмалар, осори атиқалар ва буюмлар исботлаб беради.

Лекин, афсуски, инсоният бошидан кечган давр тўфонлари, уруш-қирғинлар, табиий офатлар оқибатида бу беқиёс тарихий маданият тасвирларининг мингдан бир қисмигина бизга қадар етиб келган, десак, асло муболаға бўлмайди.

Агар ўша — энг қадимий даврларга мансуб ёдгорликларимизни, сўнгги икки аср мобайнида олиб борилган археологик қазишлар натижасида топилган ноёб олтин ва кумуш буюмлар, бебаҳо осори атиқаларимизни — барча нодир бойликларимизни бошқа давлатлар каби мисқоллаб, асраб-авайлаб сақлаб келиб, бу экспонатлар бир жойга йиғилса, ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, дунёда тенги йўқ музей вужудга келган бўлур эди.

Бугун биз ЮНЕСКО халқаро ташкилоти қарорига биноан Термиз шаҳрининг 2500 йиллик тўйини ўтказар эканмиз, Ватанимизнинг жанубий сарҳадларидан топилган мана шундай далиллар асосида Сурхон воҳасида яшаган одамларнинг қандай буюк, улуғ тарихни бошидан кечиргани, керак бўлса, қандай бетакрор маданиятга эга бўлганини катта ғурур ва ифтихор билан таъкидлаймиз.

(Давоми 2-бетда)

Термиз... Асрлар қаъридан нече сир-синоатларни бағрига олган, кўҳна ва навқирон шаҳар. Бу тупроқ бошидан тарихнинг қандай синовлари ўтмаган дейсиз!

Инсоният яралибдики, бу заминда одамлар яшаган. Буни бугун бутун дунё эътироф этяпти. Дунёнинг турли нуқталаридан келаётган олимлар ҳам бу замин тупроғини азиз билмоқдалар. Негаки, Хитой, Япония каби мамлакатларда ҳам буддавийлик таълимотининг илк ўчоқлари Термиздан бошлангани аён бўлмоқда...

Зардуштийликнинг нодир китоби «Авесто» ва ундан ҳам қадимийроқ манбалар — милоддан аввалги 40-30 минг йиллар аввал Тешиктош ғоридан топилган ибтидоий одам суяклари ёки «Зараутсой»даги антик даврга оид суратлар ҳам Термизнинг, Сурхон юртининг ниҳоятда қадимий эканлигини исботлайди.

Йиллар, асрлар ўтди. Замонлар ўзгарди. Бу замин бошидан не-не савдолар ўтмади, дейсиз. Аммо нима бўлганда ҳам Термиз ўтган минг йилликлар нарида, ҳатто 25 аср илгари ҳам улкан шаҳар бўлган эди. Бу шаҳарда маданият, маърифат, архитектура, иқтисодиёт ривож топган. Бағрида туғилиб камолга етган Термизийлар, авлиё-анбиёлар ана шу юрт шуҳратини етти иқлимга ёйган.

Шу қадим юртда истиқлолимизнинг 10 йиллиги давомида дунё ҳавас қилса арзигулик байрамлар нишонланди. Икки йил илгари алп қаҳрамон «Алпомиш» достони яратилганлигининг 1000 йиллиги нишонланганди. Ўзига хос тўйда Президентимиз қатнашиб, Алпомишлар юртининг нуфузини нафақат мамлакатимиз, балки, дунёга танитишда ғоят савобли иш қилган эдилар.

Термизнинг 2500 йиллик тўйи эса янада ҳаяжонли, тарихий, авлодлар хотирасида бир умр сақланиб қоладиган даражада бўлди. Термиз ҳеч қачон бу қадар гўзал бўлмаган эди.

Ёруғ ва фараҳбахш нурларга тўлмаган эди.

Термиз ўзининг бундай улуғворлиги қадимий ва боқийлигини дунёга кўз-кўз қилмаган эди!

Термиз — гулларга бурканди. Ёруғ, нурафшон ранго-ранг чироқлар ёғдусида ажиб манзара касб этди, бу кент.

... Юртбошимиз тантаналарда иштирок этиш, ватандошларимизни муборак айём билан кутлаш учун Термизга ташриф буюрдилар.

Мамлакатимиз раҳбарини вилоят ҳокими Тошмирзо Қодиров ва бошқа расмий кишилар Термиз аэропортида кутиб олди. Шундан сўнг Президентимиз шаҳарда сўнгги йиллар ичида амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан танишдилар. Жумладан, шўро замонида ташландиқ ва қаровсиз қолган обидалар қайта таъмирланиб, зиёратгоҳларга айланган тарихий қадамжоларни бориб кўрдилар ва бажарилган савобли, эзгу ишларни юқори баҳоладилар. Термиздаги «Қирққиз» обидасининг юртимиз тарихи, маънавиятида тутган ўрни нечоғлик юқори эканлигини таъкидладилар.

(Давоми 2-бетда)

Археология музейи



Ат-Термизий гузари

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

Ҳарбий ва муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган шахсларни Қуролли Кучлар сафларидан заҳирага бўшатиш ҳамда фуқароларни муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга навбатдаги чақириш тўғрисида

«Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида» ва «Муқобил хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ҳарбий ва муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган шахслар Ўзбекистон Республикасининг Қуролли Кучлари сафларидан заҳирага бўшатилсин.

2. 1975-1984 йилларда туғилган, чақириқ муддатини узайтириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари 2002 йилнинг апрель-май ойларида муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга чақирилсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Қуролли Кучларни чақирилувчилар билан сифатли бутлаш мақсадида жойлардаги чақириш комиссияларининг ҳар томонлама таъминланишини ва самарали ишлашини ташкил этсинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Ф.Назиров) Мудофаа вазирлиги (Қ.Руломов) билан биргаликда чақириш участкаларини зарур тиббиёт асбоб-анжомлари ва буюмлари билан таъминласин, чақирилувчиларнинг лаборатория текширувлари сифатли ўтказилишини ва уларнинг турли ихтисосликдаги юқори малакали врачлар томонидан ҳар томонлама тиббий текшириб кўрилишини ташкил этсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ САККИЗИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг саккизинчи сессияси 4 апрель куни эрталаб соат 10.00 да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 4 апрель куни соат 8.30 дан 10.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида рўйхатга олинади.

ШТУТГАРТДА ЎЗБЕКИСТОН САНЪАТИ КУНЛАРИ

Германиянинг Штутгарт шаҳридаги Линден музейида «Ўзбек бадиий ҳунармандчилиги: тарих ва замонавийлик» мавзуига бағишланган кўргазма очилди. У мамлакатимизнинг ГФРдаги элчихонаси ҳамда «Даймлер-Крайслер» фирмаси томонидан ташкил этилди.

Кўргазманинг расмий очилиши маросимига уланиб кетган конференцияда Германия ҳукумати ва Штутгарт шаҳри маъмурияти, иқтисодий, маданий, илмий доиралар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари, олий ўқув юртларининг ўқитувчи ва талабалари иштирок этди.

Тадбирда музей директори, профессор Томас Михель сўзи чиқиб, «Штутгартда Ўзбекистон санъати кунлари»нинг бошлангани ҳам 1995 йили Ўзбекистон ва Германия Президентлари иштирокида ўтган «Ўзбекистон — Буюк ипак йўли мероси соҳиби» кўргазмаси анъаналари давом этаётганидан далолат беришини айтди.

Шунингдек, Марказий Осиё мамлакатлари бўйлаб илмий экспедицияда бўлган профессор Й.Кальтер, яқинда Ўзбекистон сафаридан қайтиб келган журналист Ангела Ресс, Тюбинген университети профессори Ханс Гаубе, Штутгарт университети қошидаги шаҳарсозлик институти ўқитувчиси Анетт Наглерс ҳам сўзга чиқиб, Ўзбекистон, унинг бетакрор қиёфаси, халқимиз етиштирган кўплаб буюк мутафаккирлар қолдирган бебаҳо мерос ҳақидаги фикрлари, ўлкамизда орттирган тараққиётлари ҳамда ўзларининг келгусидаги режалари билан ўртоқлашдилар.

«Мусаввир» халқ санъати ва бадиий ҳунармандчилиги илмий-ишлаб чиқариш марказининг раиси Ш.Шоёқубов бошчилигидаги Ўзбекистон делегацияси аъзолари ҳам ушбу маданий тадбир ишида иштирок этдилар.

Кўргазмага қўйилган заргарлик ва сопол буюмлар, анъанавий каштачилик, ёғоч, ганч ва қўрғошинга ишлов бериш, тиллакор каштачилик, гилам тўқиш ва бошқа халқ амалий санъати намуналари тўпланганларда катта қизиқиш уйғотди.

■ **«Жаҳон» АА.**

ОЛИЙ МАЖЛИС СЕССИЯСИ ОЛДИДАН

СИЁСИЙ ИЖРОҚЎМ ТАВСИЯСИ

2002 йил 2 апрель. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда «Ўзбекистон ХДП МК Сиёсий ижроия қўмитасининг иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси VIII сессияси муносабати билан партия парламент фракциясига тавсиялари ҳақида»ги масала муҳокама қилинди.

Ушбу масала юзасидан партия Марказий Кенгаши Сиёсий ижроқўми ХДПнинг парламентдаги фракцияси аъзоларига сессиянинг таклиф қилинаётган кун тартибини, муҳокамага чиқарилаётган масалалар бўйича ҳужжатлар лойиҳаларини асосан маъқуллашни тавсия этди.

ХДП ПАРЛАМЕНТ ФРАКЦИЯСИ ЙИҒИЛИШИ

Шу куни Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Олий Мажлисдаги фракцияси аъзолари, мамлакат парламенти VIII сессияси муносабати билан ўз нуқтаи назарларини ишлаб чиқиш мақсадида, партия Марказий Кенгашига йиғилдилар. Мажлисни фракция раиси И. Кочмарик бошқарди.

Депутатлар, фракция фаолиятига кўмаклашувчи экспертлар гуруҳи, партиянинг минтақавий ва маҳаллий кенгашлари томонидан, парламент сессиясида кўрилиши мўлжалланаётган қонунлар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳалари бўйича, билдирилган, жами 200 дан ортиқ таклифлар, партия Марказий Кенгаши махсус ишчи гуруҳида умумлаштирилиб, фракция муҳокамасига тақдим этилди.

Фракция йиғилишида Ўзбекистон Республикаси молия вазири М.Нурмуродов Давлат бюджетининг 2001 йилдаги ижроси тўғрисида ахборот берди ҳамда йиғилганларнинг, мазкур масалага оид, кўплаб саволларига жавоб қайтарди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Р.Каримов сессияда муҳокама қилинадиган «Кредит уюшмалари тўғрисида»ги, «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари лойиҳаларининг баъзи хусусиятлари тўғрисида тўхталди.

Йиғилишда депутатлардан Г.Йўлдошева, А.Ғафуров, Н.Зайниев, А.Мелкумов, И.Бойжонов, Ж.Сайфиддинов, А.Эрдонаев ва бошқалар сўзга чиқдилар.

Қизғин баҳс-мунозаралардан сўнг, фракция аъзолари Олий Мажлис VIII сессиясининг таклиф этилаётган кун тартиби ва унда муҳокама қилиниши мўлжалланаётган ҳужжатлар лойиҳаларини асосан қўллаб-қувватлаб, шу билан бирга, уларнинг айримлари бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Шунингдек, йиғилиш иштирокчилари фракция томонидан ишлаб чиқилган умумий нуқтаи назарни сессияда ифода этиш ва уни изчил ҳимоя қилиш хусусида келишиб олдилар.

■ **Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**

СЎЗ — ДЕПУТАТЛАРГА

Абдурасул ҒОФУРОВ, Камаши туман марказий шифохонаси бош врачи:

— Бўлиб ўтган референдумда халқимиз қонун чиқарувчи органнинг икки палатали бўлишини маъқуллаб овоз беришди. Халқимизнинг бу хоҳиш-иродаси жамиятимизда демократиянинг янада ривожланишига, қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг эса мукаммаллашувига олиб келади. Қонунлар энди икки карра кўп муҳокама қилинади, ,икки карра кўп пишийди. Чунки доимий равишда ишлайдиган қуйи палата уни тайёрлайди ва юқори палатага олиб чиқади. Юқори палатада у яна бир чиғириқдан ўтади. Натижада пишиқ, пухта қонунлар тайёрланишига эришилади. Қонун устуворлиги таъминланган жамиятда адолат бўлади, ривожланиш бўлади. Бугун бошланадиган сессия кун тартибидаги энг муҳим масалалардан бири сифатида ана шу референдум якунлари тўғрисидаги масалани айтган бўлардим.

Ростини айтганда, шаҳарсозлик бўйича собиқ совет даврида қабул қилинган кодекслар, меъёрий ҳужжатлар билан шу пайтгача иш кўрилган. Лекин Мустақилликдан кейин янги типдаги шаҳарсозлик, миллий анъаналар билан жаҳон тажрибаларини ўрганиш орқали илғор меъморчилик анъанаси пайдо бўлди. Ана шуларни ўзида ифода қиладиган, тартибга соладиган кодексга эҳтиёж сезилиб қолди. Депутатларимиз эътиборига ҳавола этилаётган «Шаҳарсозлик кодекси» шуларни ўзида жамлаган, деб ҳисоблайман. Сессия кун тартибидаги ҳамма масала депутатларимиздан катта эътибор талаб қилади.

Фармон ОМОНОВ, Ўз ХДП Қашқадарё вилоят кенгаши биринчи котиби:

— Кун тартибидаги масалаларнинг ҳаммаси муҳим. Айниқса, парламентимизни ислоҳ қилиш бўйича 27 январда бўлиб ўтган референдум якунлари тўғрисидаги масалани жуда долзарб, деб ҳисоблайман. Бир сўз билан айтганда, қонунчилик соҳасида катта, тарихий ўзгаришлар бўлаяпти. Бу сиёсий ислоҳотларнинг мамлакатимизда янада чуқурлашаётганини кўрсатади.

Сессия кун тартибидаги «Кредит уюшмалари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳам муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Бу қонун келажакда мамлакатимизда тадбиркорликнинг ривожланишига, кичик ва ўрта бизнесни янада тараққий эттиришга ёрдам беради.

■ **Акбар ЖОНУЗОҚОВ ёзиб олди**

СУРХОН ДИЁРИДА КАТТА ТЎЙ

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ТЕРМИЗ ШАҲРИНИНГ 2500 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ҳақиқатан ҳам, бу кўҳна ўлкадаги Тешиктош ва Зараутсой, Жарқўтон ва Сополлитепа, Холчаён ва Далварзинтепа каби ўнлаб манзилларидан топилган ибтидоий одам маконлари, қадимий ёдгорликлар, антик санъат асарлари шундан далолат беради.

Ҳақиқатан ҳам, мана шу бепоён ҳудудларда, азим Жайхун бўйларида милоддан аввал ва унинг илк даврларидаёқ Бақтрия ва Кушон каби улкан давлатларнинг мавжуд бўлганини ўзимизга тасаввур этганда бунга яна бир бор ишонч ҳосил қиламиз.

Ҳақиқатан ҳам, азалдан Мағрибу Машриқни ўзаро боғлаб келган, қадим савдо карвонлари ўтадиган Буюк ипак йўли чорраҳасида жойлашган бу тупроқда неча минг йиллар мобайнида турли дин ва маданиятлар — зардуштийлик ва буддавийлик, насронийлик ва мусулмонлик анъаналари ёнма-ён яшаб келганини ҳисобга олсак, бу заминнинг тарихи нақадар кўҳна эканига иқрор бўламиз.

Ҳатто бир замонлар Термиз шаҳри буддавийлик марказларидан бири бўлгани, бу таълимот Хитой ва Японияга айни шу ердан тарқалгани ҳақида илмий қарашларнинг мавжудлиги ҳам бежиз эмас.

Бугунги қутлуғ сана муносабати билан бунёд этилган, собиқ иттифоқ ҳудудида ягона бўлган муҳташам Археология музейидаги кўплаб тарихий ашёлар, меъморлик ва ҳайкалтарошлик санъати намуналари, деворий расмлар, уй-рўзғор буюмлари, турли-туман тақинчоқлар ҳам ана шу ҳақиқатнинг тарихий тасдиғи бўла олади.

Азиз дўстлар, биродарлар, шу ўринда эътиборингизни бир масалага қаратмоқчиман.

Яъни, бу қадимий воҳанинг, Термиз шаҳрининг кўҳна ва беқиёс кечмишини исботлаб, тасвир қилиб берадиган далилларни кўрганда, одамда беихтиёр шундай савол туғилади: нега шунчалик узоқ тарихга эга бўлган бу шаҳарнинг юбилейи шўро замонида бирон марта ҳам нишонланмаган?

Бунинг сабаби битта: у ҳам бўлса, мустабид тузум даврида ҳукм сурган, бизнинг бой тарихимизни тан олмаслик, менсимаслик, уни шу тарихнинг ҳақиқий эгаларидан яширишга бўлган уринишлардир.

Бир сўз билан айтганда, бу ҳолни тарихий адолатсизлик, асрлар давомида бизнинг халқимиз, миллий маданиятимизга нисбатан олиб борилган ғаразли сиёсатнинг натижаси, деб баҳолаш лозим.

Бунга яна бир сабаб шуки, жанубий чегараларда жойлашган Термиз шаҳрига, аввалари Россия, кейинчалик эса СССР империясининг олис ва чекка бир ҳудуди деб, бу ерда қандай маданият, қандай тараққиёт излари бўлиши мумкин, деб беписанд қараб келинди.

Фақат биз озодлик ва эркинликка эришгандан кейингина Сурхоннинг ҳақиқий тарихини очиб бериш, тиклаш ва ўрганиш масаласига том маънода катта эътибор қаратилди.

Ҳар қарич тупроғи қанча сирсиноатга, бетимсол бойликларга эга бўлган бу заминнинг нафақат юртимиз тарихига, балки дунё цивилизациясига қўшган муносиб ҳиссасини ёритиб бериш мақсадида олиб борилаётган улкан ишларни эндиликда бутун жаҳон аҳли тан олмоқда.

Бугунги имкониятдан фойдаланиб, асрлар қаърида кўмилиб ётган ана шу ҳақиқатни юзага чиқарган, Термиз шаҳри, бутун Сурхон воҳасининг тарихини акс эттирадиган осори атиқалар ва ёдгорликларни излаб топиш, уларни ҳар томонлама ўрганиш, жаҳон бўйлаб тарғиб этиш борасида сидқидилдан меҳнат қилган заҳматкаш олимларимизга, Япония, Германия, Франция, Россия каби мамлакатлардан келиб, бу ерда тадқиқот ишлари олиб бораётган археологларга, уларни қўллаб-қувватлаган ташкилотларга, аввало, ЮНЕСКО халқаро ташкилотига ўзимизнинг чуқур миннатдорлигимизни билдирамиз.

Ҳурматли юртдошлар!

Термиз деганда, аввало, унинг шонли воқеаларга бой кечмиши, қаҳрамонлик тарихи кўз ўнгимизга келади.

Неча асрлар мобайнида Термиз ҳарбий-мудофаа қалъаси бўлиб, ғоятда масъулиятли бир вазифани ўтаб келгани барчамизга аён. Юртимизга жануб томондан кимки бостириб келмасин — Доро ёки Македонский бўладими, Чингизхон ёки араб истилочилари бўладими — Термиз қалъаси ҳамиша ёв йўлига қалқон бўлган, душманга қарши мардона курашган.

«Авесто»да «байроғи — туғи баланд эрлар юрти» деб таърифланган Сурхон воҳаси, бу қалъа шаҳар ўзининг кўп минг йиллик тарихи давомида кимларни кўрмаган, қандай синов ва тўфонларни бошдан кечирмаган?

Унинг босқину истилолар туфайли неча бор вайронага айланиб, қултепалар узра неча бор қайта тиклангани тарихдан маълум.

Лекин, қатъий ишонч билан айтиш лозимки, шу ерни муқаддас макон деб, она юрт деб билган мард ва жасур аждодларимиз ёвларга ҳеч қачон бўйин эгмаган.

Шу маънода, «Алпомиш»дек қаҳрамонлик достонининг айнан шу ерда яратилгани ҳам асло тасодиф эмас.

Ана шу курашлар, жангу жадаллар натижасида бу шаҳарнинг номи неча бор ўзгаргани, ҳатто бир замонлар у босқинчи ҳукмдорлар номи билан аталганини ҳам яхши биламиз.

Афсуски, «Термиз» сўзининг луғавий маъноси ва келиб чиқиши ҳали-ҳанузгача номаълум бўлиб келмоқда. Лекин, бу хусусда турли фикр ва қарашлар мавжудлигини ҳам айтиб ўтишимиз керак.

Қадимий ёдгорлигимиз «Авесто»да у «Тармида» деб аталса, араб манбаларида «Тармиз», яъни «дарё бўйидаги шаҳар» маъносини англатади.

Буюк шоир Абулқосим Фирдавсий эса ўнинчи асрда шаҳарни унинг бугунги номига яқин шаклда — «Тирмиз» деб тилга олади.

Аммо, бизнинг фахру ғуруримиз боиси шундаки, қандай ном билан аталган бўлмасин, қандай босқин ва офатларга дуч келмасин, Термиз элининг, Сурхон халқининг ўзлиги, иймон-эътиқоди, ирода ва матонати, энг муҳими, ўз юртига садоқати асло ўзгармади.

Буюк муаррих Шарафиддин Али Яздий ўзининг машҳур «Зафарнома» асарида Термиз аҳолисининг мўғул босқинчиларига қарши фидокорона курашини тасвирлар экан, бу шаҳарни «Мадинат ур-рижол», яъни «Мардлар шаҳри» деб атаганида ҳам теран маъно мужассам.

Такрор айтаман, тарихнинг ўзи Термиз шаҳри, унинг қаҳрамон халқи зиммасига асрлар давомида юртимиз тинчлиги ва озодлиги йўлида метин қалъа-қўрғон бўлишдек оғир ва масъулиятли вазифани юклаган.

Бугун биз ифтихор билан эътироф этамизки, Термиз шаҳри бу муқаддас вазифани ҳамиша ва ҳозирги мураккаб, таҳликали даврда ҳам шараф билан адо этиб келмоқда.

Муҳтарам дўстлар!

Жаҳон цивилизацияси бешиклари ҳисобланган Ўрта Осиёда ягона, деб эътироф этилаётган Археология музейига ҳам ташриф буюрдилар. Шарқ ва замонавий меъморчилик анъаналари уйғунлашган ушбу қадамжо — Ватанимиз тарихининг кўзгуси эканига шубҳа йўқ. Музей Президентимизда катта таассурот уйғотди. Бу ерга қўйилган экспонатлар, Сурхон заминидан топилган турфа осори атиқалар ўлкамизнинг қадимий ва боқий маданияти, дунё тамаддунида Термизнинг мустаҳкам ўрни бор эканлигидан нишона. Айниқса, музей деворларига чизилган қадимий суратлар кўҳна Термиз маданиятининг нечоғлик абадиятга дахлдор эканлигини намоён этади...

... Термиз байрам оғушида. Юраклар севинчда, тилларда қўшиқ. Қадимий Термиз меҳмонлар билан гавжум.

Соат 19.00. Баҳор ҳавоси, димоққа гуллар ифори урилади. Бетакрор чирой касб этган «Алпомиш» боғи, ажойиб кўл ва минглаб томошабинни бағрига олган амфитеатр...

Президент Ислом Каримов байрам ўтадиган томошагоҳга ташриф буюради. Давлатимиз раҳбари қарсаклар билан кутиб олинди. Юбилейга бағишланган тантанани вилоят ҳокими Т. Қодиров очди.

Тантанада Президент Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Юртбошимиз нутқини байрам қатнашчилари катта қизиқиш, ҳаяжон билан тингладилар. Йўлбошчимизнинг юракдан ўз халқига бўлган меҳр-муҳаббатини, самимий тилакларини эшитган тантана иштирокчилари қалби фахр-ифтихор туйғуларига тўлди!

Президентимиз маърузасини юртдошларимиз «ойнаи жаҳон» орқали тинглаб, томоша қилдилар. Тантанали байрам дастури тўғридан-тўғри эфирга узатилди.

Термиз сўзининг асл маъноси ҳақида шу пайтгача турли қарашлар, турли афсоналар бор. «Бизнинг фахру ғуруримиз боиси шундаки, қандай ном билан аталган бўлмасин, қандай босқин ва офатларга дуч келмасин, Термиз элининг, Сурхон халқининг ўзлиги, иймон-эътиқоди, ирода ва матонати, энг муҳими, ўз юртига садоқати асло ўзгармайди». Юртбошимизнинг бундай эътирофини байрам иштирокчилари қарсаклар билан қаршиладилар.

Президентимиз шаҳарнинг қадим тарихи, бу ерда етишиб чиққан улуғ донишмандлар хусусида тўхталар экан, қалби уйғоқ одамларнинг дилидаги бир ҳақиқатни ҳам очиқ айтдилар:

«... Термиз шаҳрининг кўҳна ва беқиёс кечмишини исботлаб, тасвир қилиб берадиган далилларни кўрганда, одамда беихтиёр шундай савол туғилади: Нега шунчалик узоқ тарихга эга бўлган бу шаҳарнинг юбилейи шўро замонида бирон марта ҳам нишонланмаган?» Боиси, мустабид тузумнинг бой тарихимизни тан олмаганлиги, кўролмаганлиги бир бўлса, уни ҳақиқий эгаларидан яшириш, халқларнинг тарихини атайлаб бузиб, нотўғри талқин этиш учун ҳам шундай разилона йўл тутган, деб таърифладилар Юртбошимиз. Қолаверса, «Тарихий адолатсизлик, миллий сиёсатимизга нисбатан ғаразли сиёсатнинг натижасидир».

Нақадар одилона, ҳақ гаплар. Ахир, Ватан мустақил ва озод бўлмаганда бундай байрамлар қайда эди?! Ўзликни англаш, тарихимизга ҳурмат-эҳтиром, буларнинг барча-барчаси шубҳасиз юқорида таъкидлаганимиздек истиқлолимиз шарофатидандир.

Президентимиз ўз маърузасида фидокорона меҳнат қилаётган Сурхон воҳаси меҳнаткашларининг яратувчилик ишларига улкан баҳо берди. Шаҳар тўйи муносабати билан амалга оширилган бунёдкорлик ишларида фаол қатнашган иштирокчиларнинг барчасига раҳматлар айтди.

Тантаналарда ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Майкл Барри Лейн, Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндори, Термиз шаҳридаги 2-ўрта мактаб ўқувчиси Манзура Холмирзаева, миллий кураш бўйича жаҳон чемпиони Тоштемир Муҳаммадиев, жарқўрғонлик меҳнат фахрийси Рўзибобо Алиқуловлар ҳам сўзга чиқдилар.

ЮНЕСКО ваколатхонаси раҳбари Ўзбекистон ҳукумати, шахсан Президентимизнинг тарихий қадриятларни тиклаш, миллий маданиятимизни қўллаб-қувватлаётганини юқори баҳолаб, «Термизчалик қадимий ва тарихи бой шаҳарлар дунёда кам топилади», деб таъкидлади.

Термизнинг қутлуғ 25 асрлик тўйи жуда мазмунли бўлди. Театрлашган томошаларда Сурхон элининг тарихи, маданияти, бугуни қамраб олинди.

Осмону фалакда минг-минг юлдузлар монанд мушаклар чақнади. Байрамнинг бадиий қисми ҳам ниҳоятда мазмундор, ранг-баранг бўлди. Томошалар сценарийсини Ўзбекистон Қаҳрамони, таниқли шоиримиз Абдулла Орипов ёзган. Режиссёрлар эса санъат арбоблари Носир Отабоев билан Рустам Шамсутдиновлар...

Умуман ,байрам дастурида юртимизнинг кўплаб таниқли артистлари, хонандалари, рақкосса-ю рақкослари, бадиий жамоалари иштирок этдилар.

Хуллас, Амударё соҳилидаги кўҳна ва азим Термиз шаҳрининг тўйи кўнгилларга чексиз севинч, саодат бахш айлади.

■ **Абдурасул ЖУМАҚУЛ, «Ўзбекистон овози» мухбири**

✧ ✧ ✧

Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) ва Турғунбек МАҲКАМОВ олган суратлар

ТЕРМИЗИМ

Баҳор сендан бошланар бу Ватанда,
Тонг нурлари рақс этар гул-чаманда,
Товусларинг хиром этар гулшанда,
Булбулларнинг ошёнисан, Термизим!
Кўрганимда алп йигитлар даврасин
Туярман мен Алпомишнинг наврасин,
Чанқовузлар, дўмбиралар тинмасин,
Сен бахшилар достонисан, Термизим!
Сен-ла дунё айлар бу кун ифтихор,
Тупроғингда қадим тарих муҳри бор,
Ат-Термизий бобом руҳи сенга ёр,
Улуғларнинг маконисан, Термизим!
Ҳур ўлкада яйрасин деб гулюзлар,
Шуҳлаларин сочар офтоб кундузлар,
Кечалари алқар сени юлдузлар,
Сен юртимнинг посбонисан, Термизим!

■ **Мирпўлат МИРЗО**



ЎзХДП МК МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

ПАРТИЯ КЕНГАШЛАРИ ПЛЕНУМЛАРИ

Шу кунларда Ўзбекистон ХДП маҳаллий кенгашларининг пленумлари бўлиб ўтаётир. Жумладан, **Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон республика кенгашининг** V пленумида «Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгаши навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқидан ва Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши IV пленуми қарорларидан келиб чиқадиган вазифалар ҳақида»ги ва қатор бошқа масалалар муҳокама этилди. Шу ҳақда Қорақалпоғистон республика партия кенгаши биринчи котиби А.Асановнинг маърузаси тингланди. Кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди. Пленумда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши раиси А.Тожиев сўзга чиқди, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси Т.Камолов иштирок этди.

ХДП Андижон ва Хоразм кенгашларининг навбатдаги пленумларида ҳам Ўзбекистон ХДП МК IV пленуми қарорларидан келиб чиқадиган вазифалар ва партия ташкилотлари фаолиятининг бошқа долзарб масалалари кўриб чиқилди. Вилоят партия кенгашлари биринчи котиблари С.Раҳимов ва F.Машарипов улар юзасидан маъруза қилдилар. Муҳокама қилинган барча масалалар бўйича қарорлар қабул қилинди. Пленумлар ишида: Андижонда — вилоят ҳокими ўринбосари Р.Тиллабоев, Хоразмда — вилоят ҳокимлигининг масъул ходими А.Рўзматов қатнашдилар.

Ўзбекистон ХДП Кува туман кенгаши пленумида ташкилий масала кўрилди. Унда Н.Тилаволдиев туман партия кенгашининг биринчи котиби этиб сайланди. Пленум ишида вилоят партия кенгаши биринчи котиби А.Игамбердиев ва Кува тумани ҳокими ўринбосари К.Юнусов иштирок этдилар.

ВАЗИФАЛАР АНИҚЛАНДИ

Ўзбекистон ХДП Навоий вилоят кенгаши ўтказган тезкор йиғилишда жорий йилнинг апрель ойида бўлиб ўтадиган вилоят, шаҳар ва туман партия кенгашлари пленумларига тайёргарлик кўриш, уларда Марказий Кенгаш IV пленуми якунлари ҳамда маҳаллий партия ташкилотлари ҳаётига тааллуқли масалаларни муҳокама этиш борасидаги вазифалар белгиланди. Йиғилишда вилоят партия кенгаши биринчи котиби Р.Ботиров маъруза қилди. Унда, шунингдек, Нурота, Хатирчи, Навоий туман ХДП кенгашлари биринчи котиблари Т.Одилов, Р.Раббимов ва Б.Ахроровларнинг ички партиявий ишлар юзасидан ахборотлари тингланди.

ХДП Тошлоқ туман кенгашида бўлиб ўтган семинар иштирокчилари Фарғона вилоят партия кенгаши котиби З.Абдуллаеванинг Марказий Кенгаш IV пленуми якунлари ва партия ташкилотларининг ундан келиб чиқадиган долзарб вазифалари тўғрисидаги маърузасини тингладилар. Туман партия кенгаши биринчи котиби У.Махмудов партия ташкилотларининг шу кунлардаги фаолияти ва партия юқори органларининг қарорларини бажариш юзасидан олиб борилаётган ишлар хусусида ахборот берди.

Ўзбекистон ХДП Бўстонлиқ туман кенгашида ўтган котиблар соатида ҳам барча партия ташкилотларининг МК IV пленуми қарорларини бажариш юзасидан вазифаларини аниқлаш катта ўрин эгаллади. Туман партия кенгаши биринчи котиби Р.Махаматов йиғилганларни Юртбошимизнинг халқ депутатлари Сурхондарё вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги маърузаси мазмун-моҳиятини аҳоли ўртасида тарғиб қилишда фаол иштирок этишга чақирди.

ХДП Касби туман кенгаши ижроия бюроси мажлисида кўрилган А.Навоий номли ш.х. бошланғич партия ташкилотининг фаолияти тўғрисидаги ҳисобот ҳам, пировардида, Ўзбекистон ХДП МК IV пленуми қарорларини бажариш ўзанидаги масала эди. Мажлисда мазкур БПТнинг ташкилотчилик ва тарғибот-ташвиқот ишлар соҳасидаги тажрибасини оммалаштиришга қарор қилинди.

Уйчи туман партия кенгашининг махсус гуруҳи аъзолари қатор БПТдаги аҳволни ўрганиб, уларнинг долзарб вазифаларини аниқлаш ва йўл қўйилган камчиликларни тугатишга кўмаклашдилар.

КЕКСАЛАРГА ЭҲТИРОМ

Жойлардан олинаётган кўплаб хабарларда партия ташкилотларининг Қарияларни қадрлаш йили муносабати билан ўтказаётган тадбирлари ҳақида ҳикоя қилинади. Чунончи, **Балиқчи туман партия кенгаши** ташаббуси билан «Катта булоқ» фуқаролар йиғинида шу ҳудудда яшовчи 90 ёшдан ошган отахон ва онахонлар шарафига тантанали кеча уюштирилиб, дастурхон ёзилди, хонанда-ю созандаларнинг чиқишлари уларни хушнуд қилди.

Улуғнор туман партия кенгаши, «Пахта банк»нинг тегишли бўлими билан ҳамкорликда, 50 нафар нуроний кексаларни «Эъзозлаш» кечасига таклиф этиб, уларни байрамона дастурхон ва концерт билан сийлади. Шунингдек, чўлқуварларнинг икки нафар фарзандларига хайрия хатна тўйи ҳам ўтказилди. Саховатпеша инсон Х.Солиев ҳар болага 10000 сўм миқдорида пул қўйилган омонат дафтарчасини топширди. Ушбу қўшалоқ кечада туман ҳокими ўринбосари М.Аҳмадалиев, туман партия кенгаши биринчи котиби Ж.Исмонова, тумандаги қатор жамоат ташкилотлари раҳбарлари қатнашдилар.

Андижон шаҳридаги «Андижон ёғ-мой» ҳ.ж. ва «Матлуботтранс» корхонаси, **Учқўприк тумани, Бухоро шаҳридаги** айрим жамоалар, **Пахтаобод тумани** «Маданият» қишлоқ фуқаролар йиғини, **Сергелидаги** «Янги ҳаёт» ва А.Жомий номидаги маҳаллаларда ҳам бўлиб ўтган қарияларни қадрлаш тадбирларини тайёрлашда партия кенгашлари ҳамда БПТ фаоллик кўрсатдилар.

Чирчиқ шаҳрида ўтказилган тантанали учрашувга йиғилган фахрийлар, маҳаллалар оқсоқоллари, партия фаоллари учун дастурхон ёзилиб, концерт берилди. Шаҳар ҳокими М.Миразимов кексаларнинг Ватан ва халқ олдидаги хизматларини таъкидлаб, уларга саломатлик тилади. Бир гуруҳ фахрийларга шаҳар партия кенгаши биринчи котиби Д.Азизхўжаев совғалар топширди.

Уйчи туман партия кенгаши ташаббуси билан бир пиёла чойга чақирилган нуроний отахонлар элу юртимизга тинчлик ва фаровонлик тилаб, баҳорги экин-тикин ишларига оқ фотиҳа бердилар. Тадбирда туман ҳокими, партиядан вилоят Кенгашига депутат М.Валиев ва унинг ўринбосарлари, туман партия кенгаши ходимлари, маҳаллалар оқсоқоллари иштирок этдилар.

ИҚТИСОД ВА ИСЛОҲОТ

САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР БАРАКАТИ

ЁХУД ЎТГАН ЎН ЙИЛ ВА ЯЛПИ ИЧКИ МАҲСУЛОТ ҲАЖМИНИНГ ЎСИШИ ХУСУСИДА

Маълумки, ялпи ички маҳсулот ҳар қандай мамлакатнинг реал аҳволини белгиловчи асосий макроиқтисодий кўрсаткич ҳисобланади. Ялпи ички маҳсулот — бу бир йил давомида муайян мамлакатда жами ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва кўрсатилган хизматлар қийматининг йиғиндисидир.

Дарҳақиқат, иқтисодиётнинг барча соҳа ва тармоқларидаги ўзгаришлар, аҳоли сонининг ўсиши, уларнинг реал даромадлари-ю харажатлари, пул айланмаси-ю инфляция жараёнлари, ташқи савдо обороти ҳолатлари ва шу каби бошқа макроиқтисодий кўрсаткичларни ўзида мужассам этган ялпи ички маҳсулот ўсиш суръати мамлакат тараққиёти учун ўта муҳим аҳамият касб этади.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов Вазирлар Маҳкамасининг ўтган йил якунлари ва 2002 йилда иқтисодий ислоҳотларни янада ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган йиғилишида 2001 йил мамлакатимиз учун макроиқтисодий вазият жиҳатидан маълум маънода бурилиш даври бўлганини эътироф этди.

Йиғилишда таъкидлаганидек, кейинги йилларда бўлгани каби, ўтган йил ҳам мамлакатимизда макроиқтисодий барқарорликни сақлаб туришга эришилди ва иқтисодий ўсиш жараёни давом этди. **Бунинг амалий натижаси ялпи ички маҳсулот ҳажми — 4,5 фоиз, саноат ишлаб чиқариши — 8,1 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш эса — 4,5 фоизга кўпайганлигида намоён бўлди.**

Энг эътиборлиси шундаки, 2001 йил якунларига кўра, ялпи ички маҳсулот ҳажми ислоҳотлар бошланган 1991 йил даражасига нисбатан илк бор 3 фоизга ўсди.

Хўш, ушбу рақам — муқояса тагида нималар ётибди?

Сир эмас, 90-йилларгача Ўзбекистон ҳам бошқа собиқ иттифоқдош республикалар каби Москвадан туриб режалаштириладиган, ягона халқ хўжалиги комплекси, деб номланган марказлашган тизимда фаолият кўрсатган.

Юртимизда мустақиллик шамоли эса бошлаган кунларда республика иқтисодиёти ўта аянчли аҳволда эди. Бу ҳолат, аввало, унинг бир томонлама, асосан хомашё етказиб беришга йўналтирилгани бўлса, иккинчи томондан, мамлакат ичкарисида жами талаб ва таклифлар мутаносиблиги издан чиққани билан изоҳланарди. Ана шундай бир мураккаб шароитда, олдимизда бутун хўжалик юритиш тизими моҳиятини тубдан ўзгартириш, бозор муносабатлари ҳукмронлик қилаётган жаҳон ҳамжамиятига юз тутишдек ўта муҳим ва долзарб вазифа турарди.

Ҳатто бир сўмни ҳам ҳеч ким бизга бекорга бермаслигини англаб, халқимизнинг азалдан меҳнатсевар, ҳар қандай оғир синов ва қийинчиликларни мардонавор енгадиган, танти, ор-номуси кучли миллат эканини, унинг миллий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ислоҳотларни босқичма-босқич, изчил амалга оширдик. Ва бунда осон йўлни танламадик... Бор куч ва ғайратимизни асосий мақсад — мамлакат иқтисодиётини кўтаришга, қолаверса, унинг куч-қудратини белгилайдиган бош кўрсаткич — халқ фаровонлигини ошириш ва ялпи ички маҳсулот ҳажмини кўпайтиришга қаратдик.

Булар, биринчи галда иқтисодий қудратимизни оширишга, ёнилғи-энергетика базасини мустаҳкамлаш, халқ истеъмол моллари билан таъминлаш даражасини кўтариш, саноатни иқтисодий таназзулдан чиқариш, транспорт, коммуникация тизимини мустаҳкамлаш, мавжуд минерал хомашё ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш каби ўта долзарб масалаларни ҳал этишга йўналтирилган мустақил ижтимоий-иқтисодий сиёсатимизда ўз ифодасини топди.

Узоқни кўзлаб, эртанги ёруғ кунларга ишонч билан қилинган саъй-ҳаракатларимиз зое кетмади. Энди тикланаётган миллий иқтисодиётимизда ялпи ички маҳсулот ҳажмининг йилдан-йилга барқарор ўсиши кузатилди.

1991-2001 йилларда ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ўсиши
(ўтган йилларга нисбатан фоиз ҳисобида)



Айниқса, 1997 йил якунлари алоҳида диққатга сазовор. Ўша йили 1996 йилга нисбатан ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 5,2 фоизни ташкил этиб, илк бор бу кўрсаткич ҳажми республикамиз аҳолиси сонининг ўсиш даражасидан ошиб кетди. Натижада, ялпи ички маҳсулот аҳоли жон бошига нисбатан 3,2 фоизга кўпайди.

Ваҳоланки, 90-йилларда собиқ иттифоқ умумий аҳолисининг қарийб 9 фоизини ташкил этган Ўзбекистоннинг ялпи миллий даромаддаги улуши 3,2 фоизга тўғри келарди. Ана энди бу улушни ҳар бир Ўзбекистон фуқароси учун жон бошига тақсимлаб кўринг?! Бунинг учун иқтисодчи бўлиш шарт эмас...

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, **1997 йил якунлари бўйича МДҲ давлатлари орасида барча соҳаларда 1990 йилга нисбатан ўсишга, юксалишга эришган ягона мамлакат — бу Ўзбекистон эди.**

Юртимизда ўтган ўн йил, яъни 1991-2001 йиллар мобайнида ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ўсиш динамикасини кузатар эканмиз (1-чизма), унда макроиқтисодий ўсишни мустаҳкамлаш жиҳатдан 1997 йил ҳал қилувчи давр бўлса, 2001 йил ислоҳотлар бошланган 1991 йил ҳолатига нисбатан худди шундай эканини кўрамиз. Бу, республикамизда ўтган йиллар мобайнида эришилган ижобий натижалар тасодифий эмас, балки барқарор муҳит юзага келганидан далолат беради.

Шуни қўшимча қилиш керакки, ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ортиши ўз-ўзидан содир бўлмайди, балки натижавий хусусиятга эга. Яъни, иқтисодиётда аввало, молиявий секторнинг, хусусан пул оборотти ва унинг қиймати барқарорлиги, иқтисодий тузилмаларнинг ўзаро мувофиқлиги, ижтимоий соҳадаги мақсадли йўналишнинг таъминланганлиги ҳамда ташқи ресурсларнинг вақтида, самарали ўзлаштирилганлиги амалга оширилган тақдирдагина мазкур кўрсаткич ҳажмининг ортиши кузатилади. Оддий сўз билан айтганда, ялпи ички маҳсулот — бу мамлакатда иқтисодий муносабатларнинг ўзаро мувофиқлиги ва уларнинг ривожланиши демакдир.

Бу борадаги ютуқлар тўғрисида гапирганда, кейинги икки йил ичида диёримизда рўй берган қурғоқчиликнинг ялпи ички маҳсулот ҳажмига кўрсатган салбий таъсирига алоҳида тўхталиш лозим. Зотан, бу табиий офатдан мамлакатимиз, айниқса, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти катта талафот кўрди. Биргина Хоразм вилоятида 2001 йилда экин экилиши режалаштирилган 221 минг 500 гектар ер майдонидан 196 минг 800 гектар ерга экин экилган. Иккинчи маротаба суғоришга сув етишмаслиги оқибатида, шундан 15 минг 600 гектар ердан ҳосил олинмаган ва натижада кўрилган зарар қарийб 11 миллиард сўмни ташкил этган.

Қорақалпоғистон Республикаси бўйича кўрилган зарар эса бундан ҳам ошиб тушди. Экин экиладиган 450 минг 300 гектар умумий ер майдонидан қурғоқчилик туфайли 276 минг 800 гектар ерга экин экилмади. Атиги 173 минг 500 гектар экин экилган ернинг иккинчи маротаба суғорилиши учун сув етишмаслиги оқибатида 28 минг 300 гектар ердаги ҳосил нобуд бўлди. Кўрилган зарар салкам 18 ярим миллиард сўмни ташкил этди.

Умуман, 2000-2001 йилларда табиий офатлар натижасида мазкур ҳудудларда кўрилган зарар жами 54 миллиард сўмдан зиёд бўлди.

Бундан ташқари, асосий экспорт маҳсулотларимиз бўлган олтин ва пахта толасига жаҳон бозорида ноқулай нарх конъюнктураси вужудга келиши оқибатида, биз учун ўтган йили халқаро бозорда тахминан 1 миллиард АҚШ долларидан кўпроқ миқдорда йўқотиш бўлди. Лекин шунга қарамай, 2001 йил якунларига кўра, ташқи савдо операцияларида ижобий сальдога эришилди. Бундай натижага, асосан мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарлар ва кўрсатилган хизматларни четга чиқариш ҳисобига амалга оширилганини алоҳида қайд этиб ўтиш ҳам фойдадан ҳоли эмас.

Мана шунча оғир синов ва қийинчиликларга қарамай, 2001 йилда макроиқтисодий жиҳатдан сезиларли натижаларга эришиш, бу ўз-ўзидан бўлмайди. Зотан, уларнинг замирида сизу бизнинг, фарзандларимизнинг, тўкин рўзғор, ёруғ кунлар, фаровон турмуш, бир сўз билан айтганда, эртанги порлоқ келажагимизга бўлган қаттиқ ишончи ётибди.

Шундай экан, бу муваффақиятларнинг биз учун аҳамияти қанчалик муҳим, қиммати қанчалик қадрли эканини тўлақонли англашимиз зарур.

Дарҳақиқат, Президентимиз ўз чиқишларида бот-бот такрорлаганидек, рақамлар ўз йўлига, лекин уларнинг ортида ўнлаб, минглаб, юз минглаб юртдошларимизнинг тақдири, турмуш тарзи, эртанги куни ифода этилаётганини ҳар доим ҳам чуқур англаб етавермаймиз. Мана, нима учун ҳар гал йил якунларида ушбу макроиқтисодий кўрсаткичлар қайта-қайта тилга олинади, таҳлил қилинади, ўтган йиллар натижалари билан қиёс қилинади.

Биз ўн йил мобайнида нимага, қандай натижаларга эришган бўлсак, аввало ўзимизнинг фидокорона меҳнатимиз, эртанги бахтли кунимизга бўлган мустаҳкам ишончимиз, қолаверса, ўзимизнинг «оғиримиз»ни бошқаларга «юклаш»ни ор, деб билганимиз туфайлигина етишдик.

Ҳали шундай кунлар келадики, авлодларимиз бугун биз мавжуд қийинчилик ва камчиликларни мардонавор бартараф этаётганимизга, қадам-бақадам кашф этаётган ички имкониятларимизга муносиб баҳо берадилар.

Шу маънода, 2002 йилда миллий иқтисодиётимиз тараққиёти йўлида ташланган янги қадамларимиз янада хосиятли бўлишига, саъй-ҳаракатларимиз эса нурли келажагимиз учун мустаҳкам пойдевор бўлишига шубҳа йўқ.

■ **Обиддин МАҲМУДОВ,**
иқтисодий шарҳловчи



ЁСИР АРАФОТ ФАЛАСТИНДАН КЕТАДИМИ?

Яқин Шарқда вазият кескинлигича қолмоқда. Куни кеча Исроил ҳукумати Фаластин маъмурияти раҳбари Ёсир Арафотни тинчлик жараёнининг душмани, деб эълон қилди. Исроил армияси эса у турган қароргоҳни вайрон қилди. Нетаниядаги террорчилик ва унга жавобан Исроил ҳукумати уюштирган ҳарбий операциялар Яқин Шарқдаги тинчлик жараёнини бутунлай боши берк кўчага киритиб қўйди.

Айни пайтда Исроил ҳарбийлари Ёсир Арафот қароргоҳига ҳеч кимни киритмаяпти. Арафотнинг ҳаёти эса хавф остида қолмоқда. Бундан ташвишга тушаётган жаҳон ҳамжамияти, БМТ ва бошқа халқаро ташкилотлар Исроил ҳукуматидан ҳарбий операцияларни бас қилиб, армияни Фаластин еридан олиб чиқиб кетишни талаб қилмоқда. Қатор давлатлар раҳбарларидан Исроил бош вазири Ариэл Шарон номига келаётган мактубларда айтилишича, Яқин Шарқ муаммосини фақат тинч йўл билан ҳал этиш мумкин. Исроилнинг ҳарбий тадбирлари минтақадаги вазиятни фақат оғирлаштириши мумкин.

Шунга қарамай, Исроил армияси Фаластин шаҳарларини эгаллаб олишда давом этмоқда. Шу вақтгача ҳарбий операциялар мобайнида етти юздан ортиқ фаластинлик ҳибсга олинди. Қароргоҳига қамаб қўйилган Ёсир Арафотнинг тақдири қандай ҳал этилиши номаълум.

Куни кеча Исроил ҳукумати Арафотни Европа мамлакатларидан бирига бадарға қилиш таклифини илгари сурди. Хабарларга кўра, бу таклифни Ариэл Шарон девони вакиллари Европадан Арафот билан учрашиш ниятида келган бир гуруҳ дипломатларга маълум қилган.

Расмий Тел-Авив вакилларининг айтишича, европалик дипломатлар Арафотни Фаластинни тарк этишга кўндирсагина Рамаллоҳ шаҳрига киритилиши мумкин.

Хабарларга қараганда, Исроил ташқи ишлар вазири Шимон Перес ушбу масалани Миср раҳбарияти билан ҳам муҳокама қилган. Бироқ, унинг қайси мамлакатдан бошпана топиши ҳақида аниқ гап айтилмаган. Исроил учун Арафотнинг қайси мамлакатдан паноҳ топиши барибир. Миср ҳукумати эса Исроилнинг бу таклифига мутлақо қарши.

Хўш, Ёсир Арафот Фаластинни тарк этса, Яқин Шарқда вазият яхшиланадими? Террорчилик барҳам топиб, томонлар тинчлик музокараларига қайтармикан? Бунга халқаро ҳамжамиятнинг жавоби қандай бўлади? Гап шундаки, Ёсир Арафот Фаластин халқининг дунё тан олган йўлбошчиси ҳисобланади. У Фаластин миллий маъмуриятининг қонуний раҳбари. Бинобарин, у бадарға қилинса, аҳвол баттарлашиши тайин. Чунки, унга таҳдид Фаластин халқига нисбатан таҳдид сифатида қабул қилинади. Шундай экан, муаммони ҳал этишнинг аниқ йўли ўзаро айбловларга барҳам бериб, яна музокара бошлашдир. Халқаро ҳамжамиятнинг якдиллик билан билдираётган фикри ҳам шундай.

■ **ЎзА**

ТАХМИНЛАР АЯНЧЛИ

Жаҳонда сўнгги 30 йилда жиноятлар сони 4 марта ошган. Жиноятлар сони АҚШда — 8, Буюк Британия ва Швецияда — 7, Францияда эса 6 марта ўсган. БМТ маълумотларига кўра, ўтган асрнинг 90-йилларида жиноятчилик ҳар йили 5 фоизга ошиб борган. Ваҳоланки, аҳоли сонининг ўсиши, бор-йўғи 1 фоизни ташкил этган. Жиноятчиликка қарши курашувчиларнинг тахминлари эса аянчли: яқин йилларда ер юзида ҳар соатда 200 минг жиноят содир этиларкан.

ОМАД КЕЛСА...

Немисларнинг «Шпигель» журналида ёзишларича, АҚШнинг етти штатида «Катта лотерея» ўйини бўлиб ўтган. Умумий ютуқ 350 минг долларни ташкил этган. Мукофот бахтли чипталарни сотиб олган икки кишига насиб этди. Дарвоқе, улар атиги биттадан чиптани харид қилишган экан.

МУНОСАБАТ

ЭЛЛИК МАРТА «ДУМАЛАБ» ТОЗАЛАНМАГАН СУВ

ТАБИАТ МУВОЗАНАТИ БУЗИЛГАНЛИГИДАН ДАРАК ЭМАСМИ?

(«Сув — ҳаёт, сув — нажот, сув...» 2002 йил 12 февраль)

Талабалик йилларимизда факультетимизнинг кўп нусхали «Журналист» газетасида экологияга доир «Ҳамма нарсани сув тозалайди, сувни нима тоза қилади?» деган мавзуда танлов эълон қилинган эди. Шу танлов сабаб тушуниб етдимки, сувни инсоннинг ақли ва кўзлари тозаларкан...

«Оқар сувлар — кўпнинг насибаси, уни ифлослантирганнинг кўзи кўр бўлади», дейилади ўзбек ҳикматларида. Лекин бунга нечоғли амал қилиняпти? Мана бу савол кишини анча ўйга толдиради.

Яқин-яқинларда ҳам Зарафшон дарёсидан сув оладиган (XVII асрда Бухоро хони Абдуллахон даврида қуриб битказилган) Эски Анҳор сув ўзани табиийлиги билан мафтункор эди. Унинг қирғоқларида дов-дарахтлар шох ташлаб ўсгани, одамлар ундан ҳовучлаб, кўкрагини ерга, лабини тўлқинларга теккизиб ўз ташналигини қондиргани, ёз бўйи қишлоқ болалари чўмилиб ҳузур қилгани, қисқаси, кета-кетгунча икки соҳил бўйлаб ёйилган қишлоқлар кўркига-кўрк бағишлагани бугун хотираларда қолди. Ўтган асрнинг саксонинчи йилларига келиб бу анҳорнинг бир қисми бетонлаштирилди, икки соҳилдаги дов-дарахтлар кесиб ташланди, ўзан янгиланди. Нотаниш манзара юзага келди: яйдоқ икки қирғоқ.

Мақсад сувни сақлаш эди. Хўш, сув сақландими? Тозалиги-чи? Шу нарса аниқки, энди бу сувни оғизга олиб бўлмайди.

Анҳор ёқасига дарахтлар экилишининг хосияти нимада? Ҳар ҳолда шунчаки соя-салқин учун бўлмаса керак? Лекин ана шу соя-салқин ҳам сувни бўғланиб кетишдан сақлайди-ку. Дарахтларнинг илдизи сув таркибини тузлардан тозалаши, ўзига хос фильтр эканлиги ҳақида ўйлаб кўрдикмикин? Етти марта думалаган сув тоза бўлади, деб халқимиз бекорга айтмаган бўлса керак.

Маълумки, узоқ вақт табиат синовидан ўтган анҳорларнинг суви заминга сингиб кетмайди. Йиллар давомида сув остида ҳосил бўлган чўкиндилар бунга имкон бермайди. Анҳор ўзани табиий равишда тўйинган бўлади. Қолаверса, бетонлаштирилмаган анҳор суви ер ости сувлари билан мутаносиб боғланиш ҳосил қилади, анҳор атрофидаги экин майдонларининг ҳосилдор бўлиши шундан эмасмикан?..

Энди ўзанларни бетонлаштиришнинг оқибатини кўринг: Тўғри, сифатли бетонлаштириш ерга сув сингиб кетишининг олдини олар, балки. Лекин табиий тозаланиш рўй бермайди-ку. Бундан ташқари атрофида дов-дарахтлар ўсмагани туфайли буғланиш кучаяди, сув таркибидаги туз миқдори анҳор бошида қандай бўлса шундайлигича, балки ортган ҳолда экин далаларига етиб боришини ҳозирги замон фани аниқлаган. Демак, ерлар шўрланишининг сабаблари шунда эмасмикин? Ҳозир Эски Анҳор ёқасидаги қишлоқ қудуқларининг сув таркиби бузилганлиги, айримлари шўрлай бошлагани ҳам ҳақиқат. Булар майда гапдек кўринсада, аммо келажак учун ташвишлидир.

Ўрта Осиё, жумладан халқимиз учун сув муаммоси қадимдан жуда муҳим бўлиб келган. Шундай экан, ариқ, анҳор, дарёлар сувларини ифлослантирмай, тежаб фойдаланиш ҳар биримизнинг бурчимиз бўлмоғи лозим.

■ **Маъмуржон ҚИЁМОВ,**
«Ўзбекистон овози»
мухбири



«ЎТГАН КУНЛАР»НИ ЎҚИГАНМИСИЗ?..

«Китоб ўқийсизми, замондош?» 2002 йил 7 февраль

Талабаликка қабул қилинганимизда бизга илк сабоқ «Адабиётшуносликка кириш» фанидан бўлган эди. Ўшанда алломаи замон марҳум Нуриддин Шукуров дарсхонада ўтирганларга қараб саломлашар экан, «Ўтган кунлар»ни ўқиганмисизлар?» деган эди. Сукунатни курсдошларимизнинг овозлари бузди.

— Ким ўқимаган бўлса ўқиши шарт. Олдин ўқиган бўлсангиз, энди филолог назари билан қайта ўқиб чиқинглар, — деди устоз. Ўша гапга ҳам 15 йил бўлди. Бугун мен ўзим шу даргоҳда ўқитувчи бўлиб ишлайман. Бугунги талабаларга қараб мен ҳам юқоридаги саволни бергим келади.

Китоб инсон ҳаётининг мазмунига айланиши, барча табиий талаблар сингари инсон кўнгли яхши асарларга интилиши зарур. Мутолаа қалб эҳтиёжига айлансагина, юрак эзгулик билан лиммо-лим тўлади.

«Ўзбекистон овози»да олима Салимахон Мирзаеванинг «Китоб ўқийсизми, замондош?» мақоласини ўқидим. Ўзим раҳбарлик қилаётган гуруҳ талабалари билан ушбу мулоҳаза юзасидан фикрлашдим.

Тўғриси, шогирдларимнинг ўктам фикрларидан кўнглим тоғдай кўтарилди. Аммо, ачинарлиси шундаки, ҳамма ёшлар ҳам китобга меҳр қўймаган. Телевизор, видеомагнитафон болалар ва ёшларни ўзига маҳлиё этган. Асосан ҳар хил фильмлар томоша қилишади. Афсуски, уларнинг бирортаси китоб ўрнини босолмайди.

Шу боис, фарзандларимизга болалигидан китоб ўқишни ўргатишимиз лозим. Ана ўшанда китоб уларга бир умр ҳамроҳ бўлади. Ўзаро суҳбатларда улар ҳуда-беҳуда гаплар ўрнига бирбирларидан «Ўтган кунлар»ни ўқиганмисан, «Улуғбек хазинаси»ни-чи?» деб сўрайдиган бўлишади.



■ **Азмиддин НОСИР,**
филология фанлари
номзоди

КОЛЛЕЖДА ГИЛАМ ТЎҚИБ

Жиззах енгил саноат коллежида ёшларни кўпроқ ҳунармандчиликка йўналтириш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Шу мақсадда яқинда коллеж маъмурияти Хива гилам комбинати билан шартнома тузди. Шартномага кўра, тез орада бу ерга Хоразмдан гилам тўқиш ускуналари келтирилади. Сўнгра 30 нафар қиз гилам тўқишни бошлаб юборади. Айни пайтда улар устозларидан бу ҳунарнинг ўзига хос сир-асрорларини қунт билан ўрганишаяпти.

— Ёшларимиз бирор-бир касб ёки ҳунарни танлар экан, бу ҳол тасодифий тарзда эмас, балки уларнинг хоҳиш-истаклари, интилишлари, қобилиятлари асосида бўлиши зарур, — дейди коллеж раҳбарининг муовини Фарҳод Маматқулов. — Бизда эса бунга имконият етарли. Хусусан, ганчкорлик, сартарошлик, тикиш-бичиш, кулолчилик сингари ўнгга яқин тўгараклар ишлаб турибди.

■ **Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ,**
«Ўзбекистон овози»
мухбири

БОКС ҚИРОЛИ БИЛАН УЧРАШУВ

Гулистон давлат университети қошидаги академик лицей ўқувчилари ўзларининг анъанавий учрашувларига бугал Артур Григорянни таклиф қилганликлари бежиз эмас. Чунки бу ерда рингда ўзларини синаб кўраётган ёшлар кўп.

Ўқувчилар Артурнинг боксга кириб келиши, дастлабки муваффақияти ва мағлуб бўлган пайтлардаги изтироблари ҳақидаги ҳикояларини қизиқиб тинглашди. Ўқувчилар ўн олти марта чемпион бўлишнинг сирини билишни истадилар, машҳур боксчининг Мартинес билан унинг ватани бўлмиш Мексикада шу йил январь ойида бўлиб ўтган жанг хотираларини завқланиб эшитдилар.

— Мартинес тўққизинчи раундгача мен билан тенгматенг олишди. Ҳакам рақибни техник нокаутга тушганини эълон қилганида севинчдан кўзларимдан ёш қалқиди. Голиб шарафига Ўзбекистон байроғи кўтарилган пайтда эса ҳурсандчилигимни сўз билан таърифлолмайман, — деди Артур.

■ **«Туркистон-пресс»**

ТАБИАТ ВА ИНСОН

ЯШИЛЛИК ОЛАМНИ АСРАР

ЁХУД ИГНА БАРГЛИ ДАРАХТЛАРНИ КЎПАЙТИРИШ ХУСУСИДА

Атроф-муҳитнинг мутаносиблиги, касаллик ва ўлимнинг оз ёки кўплиги, энг асосийси, умрбоқийлик бевосита экологик муҳитга боғлиқ. Хўш, экологик муҳитни яхшилашнинг йўллари қандай? Бунга жавоб оддий: қайси ҳудудда ҳамиша яшил, игна баргли дарахтлар — сарв, қрим ва элдор қарағайи, қора арча, Тяньшан қорақарағайи қанча кўп бўлса, ўша жойда экологик вазият яхши сақланади.

Айтайлик, 1 гектар қарағайзор 1 йилда 11 тоннагача, арчазор эса 13 тоннагача тоза кислород чиқариб, шунча миқдорда заҳарли газларни ютади. Бу ҳаводаги 70 тоннагача зарарли чангларни фильтрлаш, демакдир.

Бундан ташқари, эман, каштан, шумтол, тут, ёнғоқ, акация каби узоқ яшовчи япроқли дарахт турларини ҳам кўпайтиришнинг аҳамияти катта. Шунда табиат янада гўзаллашиб, ҳаво таркиби яхшиланади.

Юртимизда кейинги йилларда игна баргли дарахтларни кўпайтиришга эътибор берила бошланди. Транспорт кўп ҳаракатланадиган, саноат корхоналари ривожланган шаҳар кўчаларида игна баргли қарағайлар, қора арча, шарқ туяси, сарв каби кўчатларнинг яшнаб туриши фақат фойда беради, холос.

Яна бир мисол. Жазирама жанубий ҳудуд — Сурхондарё вилояти шаҳар-қишлоқларида ҳам бу масалага алоҳида эътибор билан қаралмоқда. Истиқлол йиллари воҳада кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш ишлари авжига чиқди. Кейинги 5-6 йил ичида игна баргли дарахтлар, айниқса элдор қарағайини кўпайтиришга оммавий киришилди. Вилоятнинг барча туманларида ҳар йили 50-60 гектар майдонга ана шундай дарахтлар экилиб, экологик муҳитни муҳофаза қилиш борасида кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Уларни кўкартириш, ҳимоялаш мақсадида вилоят ва туман мутасаддилари томонидан алоҳида қўриқлаш ишлари йўлга қўйилган.

Пойтахтимизда ҳам ана шундай игна баргли дарахтларни кўпайтиришга киришилса, айни муддао бўларди.

Бундай хайрли ишни амалга ошириш машаққат эмас. Фақат хафсала-ю масъулият бўлса бас. Муҳими, юртимизни яшилликка буркаб, яшиллик оламини асраш йўлидаги хайрли иш бардавом бўлади ва Юртбошимиз таъбири билан айтганда, «Биздан озод ва обод Ватан қолади».

■ **Шермуҳаммад ЮСУПОВ,**
Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари.

СПОРТ

КОЛОМБОДАН ХУШХАБАР

Аввал хабар берилганидек, Шри-Ланка пойтахти Коломбо шаҳрида ўзбек кураши бўйича I Халқаро турнир бўлиб ўтди. Унда дунёнинг ўн мамлакатидан полвонлар қатнашди. Беш вазн тоифасида ўтказилган беллашувларда Эрон, Индонезия, Шри-Ланка, Ўзбекистон, Ҳиндистон, Сингапур давлатлари вакиллари ғолиб ва совриндорлар қаторидан жой олишди.

Шри-Ланка ҳукумати ва спорт мутасаддилари ўзбек кураши мусобақаларини юқори савияда ташкиллаштиришга алоҳида эътибор қаратдилар. Беллашувлар мобайнида ўн минг кишига мўлжалланган ўйингоҳ мухлислар билан тўлиб-тошди. Турнирда Л. Кумар (63 кг. Шри-Ланка), Вирендер Сингх (73 кг.), Рам Нивас (81 кг.), Анил Кумар (90 кг. барчаси Ҳиндистондан)лар ўз вазн тоифалари бўйича бош совринни қўлга киритдилар. Ҳамюртимиз Илҳом Шералиев мутлақ вазнда гиламга чиқиб, барча рақибларининг курагини ерга теккизди.

КУТИЛМАГАН ОБ-ҲАВО ВА НАТИЖА

Кеча «Насаф» (Қарши) футбол жамоаси Теҳронда Осиё чемпионлари кубогининг ярим финал учрашувини ўтказди. Вакилларимиз финалга йўлланма олиш учун Жанубий Кореянинг «Сувон» жамоасига қарши майдонга чиқишди.

Ўйин Тошкент вақти билан соат 16.00 да бошланиши керак эди. Бироқ кучли ёмғир ёққанлиги туфайли жамоалар ўйинни белгиланганидан ярим соат кейин бошладилар. Анчагина асабий ва оғир шароитда ўтган учрашувнинг биринчи бўлимида қанчалик ҳаракат қилишмасин, иккала жамоа ҳам ҳисобни очишнинг уддасидан чиқа олмади. Танаффусдан сўнг, 49-дақиқада кореяликлар ҳужумчиси Авдис Аленнинг боши билан йўллаган тўпи Пётр Гизимчук қўриқлаётган дарвоза тўрига бориб тушди. Орадан кўп ўтмасдан табиат яна ўз инжиқлигини бошлади. Қайтадан ёғаётган ёмғир кучайгандан кучайиб, майдондаги футболчиларнинг ҳаракатига салбий таъсир кўрсатди. Учрашувнинг 70-75-дақиқаларига келганда «Озодий» ўйингоҳига ташриф буюрган минглаб мухлислар ўз жойларини тарк этишди. Кучли ёмғир остида қолган футболчилар 75-дақиқада ўйинни вақтинчалик тўхтатишга мажбур бўлдилар.

Орадан салкам бир соат ўтгач, учрашув давом эттирилди. Серёғин иқлимга анча мос тушадиган корейс футболчилари қолган вақтда юқори кайфиятда тўп суриб, «Насаф» жамоасини яна икки бор ўйинни майдон марказидан бошлашга мажбур қилишди. Шундай қилиб, ўзбек футболи тарихида биринчи бўлиб «Насаф» ана шундай кутилмаган об-ҳавода майдонга чиқди ва 0:3 ҳисобида имкониятни бой берди. Энди ҳамюртларимиз 5 апрель куни кеча якунланган «Истиқлол» (Эрон) — «Анянг LG» (Жанубий Корея) ўйинида мағлуб бўлган жамоа билан учинчи ўрин учун баҳслашади.

■ **Эркин ХОЛБОБО**

КИТОБЛАР ОЛАМИДА

САҲРОЙИ ГУЛЛАР ИСИ

Саҳро гулларини кўрганмисиз? Улар анчайин оддий, ҳатто кўримсизроқ ҳам бўлади. Аммо уларнинг саҳро иқлимига чидами, илдизларининг ер қатламларига чуқур кира бориши ва аксариятининг шифобахш эканлиги кишини ҳайратга солади.

Биз номларини билганбилмаган бу гуллару гиёҳларни тонг отаётган паллада кузатиш бошқа. Бунақа пайтларда шаббода уларнинг исини оламга ёяди, забаржад рангли, оч кўкимтир, майда-майда гуллар қуёш нурларига чўмилиб, ўзини кўз-кўз қилаётгандек туюлади, кишига. Зеро, «бу саҳройи гуллар ҳам одамнинг кўнглидаги, унинг ўзи ҳам билмайдиган туйғулар каби ҳар йили барқ уриб дунёга келади, ўз бўйини таратади, уруғ сочади, қиш изғиринида яна ўзи билан ўзи андармон бўлиб замин бағрига сингади, кўкламда кўпайишиб, яна ер юзига қайтишиб келади...»

Ёзувчи Муҳаммад Исмоилнинг «Саҳройи гуллар» китобини ўқиш давомида менинг кўнглимдан ана шундай ажиб туйғулар кечди. Диққатга сазовор томони шундаки, бу тўпламдан ўрин олган барча қисса-ю ҳикояларда ҳам саҳройи гуллар янглиғ оддийлик бор, уларнинг илдизлари каби теранлик, ўзигагина хос бўйи, таровати бор.

Муаллиф асарларидаги воқеа-ҳодисаларнинг ҳаммаҳаммаси бизнинг кунларимизда кечади. Қаҳрамонлари ҳам теварак-атрофимиздаги одамлар. Биз уларнинг курашу интилишлари, ўй-хаёллари-ю изтироблари, ташвишлари-ю қувончлари билан танишарканмиз, уларни қаердадир кўргандек бўламиз, қандайдир яқин ва қадрдон бўлиб туюлади улар.

Менимча, бу ҳолатни муаллифнинг ўзи қаламга олган мавзуларни яхши билиши, қаҳрамонлари руҳиятига чуқур кира олиши, таҳлил қила билиш маҳорати билан изоҳламоқ тўғрироқ бўлади.

Узоққа бормайлик, биргина «Саҳройи гуллар» ҳикоясини оладиган бўлсак, у ўзининг ҳаётийлиги, самимияти ва олижаноб инсоний туйғуларга бойлиги билан ажралиб туради ва сиз беихтиёр «енгил эпкин кўлсиз одамнинг енгидай шалпайиб қолган тўппалак қовун япроқларини ўйнаётганини» кўргандек, «бахмал баргли, чумчуқнинг кўзича келадиган хўжағат шонали оч кўкиш гуллар» исини туйгандек, «умри кетмонни суйраш билан ўтган» Чечани, оғир хаста бўлса-да, хаёли даласида кезган «Чолни», «турмуш аравасини судрашиб юрган» уларнинг ўғли, қизлари билан қадрдонлашиб кетгандек бўласиз.

Менимча, Муҳаммад Исмоил ижодининг яна бир ҳавас қилгулик хусусияти унинг асарларидаги тасвирларнинг жонлилиги, ортиқча тафсилотларнинг йўқлиги, қисқа ва лўндалиги, диалогларининг табиийлиги билан белгиланса керак.

Ўйлайманки, «Саҳройи гуллар» катта-ю кичикка маъқул тушади ва уларнинг «иси»дан адабиёт мухлислари баҳраманд бўладилар.

■ **Эркин УСМОНОВ**

2002 ЙИЛ — ҚАРИЯЛАРНИ ҚАДРЛАШ ЙИЛИ

САКСОНДА ҲАМ БЕЛЛАШИБ

Овулларда тўйлар курашсиз ўтмайди. Тўйдан хабар эшитган полвонлар эса курашга чоғланади. Қизиғи шундаки, уларга шуманайлик полвон — 67 ёшли Жиенбой Қалжанов билан 74 яшар Жақсибой Қаиповлар бошқош. Қария полвонлар курашнинг сирларини ёшларга ўргатиб, ўзлари ҳам беллашиб турадилар.

Отахонлар ўз даврида Қорақалпоғистон Республикаси биринчилиги, халқ сайиллари ва Ўзбекистон миқёсида ўтказилган турнирларда бир неча бор ғолиб келиб, совринларни қўлга киритишган. Ҳозир фахрий полвонлар беллашуви бўйича Қорақалпоғистон чемпионлари.

— Ёшим 80 га яқинлашди, курашдан қўл узганим йўқ, — дейди Жақсибой Қаипов, — Спорт билан шуғулланган одамга дори-дармон керакмас. Жисмоний тарбияга ошно инсон кам бўлмас. Уч ўғлим — Абдиқадир, Омонгелди, Дарёбой ҳам спортчи ўсмирларга устоз.

Жақсибой билан Жиенбой оғалар фахрий полвонлар орасида чемпионликни бой бермасликка ҳаракат қилишмоқда.

■ **Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,**
«Ўзбекистон овози» мухбири

Суратда: *(чапдан ўнгга) Жиенбой полвон Қалжонов, Жақсибой полвон Қаипов.*
Ерназар ЕРМАНОВ олган сурат

«LOCHIRA»

очиқ акциядорлик жамияти акциядорлари диққатига!

2002 йил 25 апрель, соат 11.00 да жамият биносида акциядорларнинг 2001 йил молия-хўжалик натижалари бўйича умумий йиғилиши ўтказилади.

КУН ТАРТИБИ:

1. 2001 йил молия-хўжалик ҳисоботини тасдиқлаш.
2. Тафтиш комиссиясини ва аудитор хулосасини тасдиқлаш.
3. 2002 йил бизнес-режасини тасдиқлаш.
4. «LOCHIRA» ОАЖ 2002 йил харажатларининг сметасини тасдиқлаш.
5. Жорий йилга аудиторни тасдиқлаш.
6. Дивиденд тақсимотини тасдиқлаш ва уларни тўлаш тартибини белгилаш.

«LOCHIRA»

очиқ акциядорлик жамиятининг 2001 йилги бухгалтерия баланси

КЎРСАТКИЧЛАР НОМИ	минг сўм	КЎРСАТКИЧЛАР НОМИ	минг сўм
АКТИВ		*ПАССИВ*	
1. Асосий воситалар (қолдиқ қиймат)	21635	1. Устав капитали	7532
2. Номоддий активлар (қолдиқ қиймат)	370	2. Қўшилган капитал	182
3. Уюшма корхоналаридаги акциялар	1066	3. Резерв капитали	1130
4. Ишлаб чиқариш заҳиралари	10845	4. Тақсимланган фойда жумладан, соф фойда	38601
5. Олиб сотиладиган товарлар	868	5. Мақсадли тушум	6636
6. Келгуси давр сарфлари	50	6. Харидор ва буюртмачилардан олинган бўнаклар	4189
7. Пул маблағлари	21071	7. Кредиторлар	5863
8. Дебиторлар	8228		
БАЛАНС	*64133*	*БАЛАНС*	*64133*

O'ztaminbutlash

ОАО «УЗТАЪМИНБУТЛАШ»

проводит тендер на закупку:

- стали оцинкованной
- металлопроката
- труб электросварных
- труб бесшовных
- электродов
- сварочной проволоки
- проволок низкоуглеродной

Все предприятия и организации, желающих принять участие в проведении тендерных торгов, могут направлять свои предложения в течении 30 дней с момента выхода данного объявления по адресу:

Г.Ташкент, ул. Амира Темура, 25. Контактные телефоны: 137-64-38; 137-53-68.

Ўзбекистон ХДП МК Котибияти Жиззах туманидаги Ҳ. Носиров номли ширкат хўжалиги бошқаруви раиси, партия Марказий Кенгаши аъзоси Ҳамроқул Нишоновга укаси

ОМОНЖОНнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети жамоаси университет илмий ишлар ва ахборот технологиялари бўйича проректори, профессор Рустам Ҳамдамовга отаси

Ҳамдам ҚЎШОҚОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ШОШИЛИНГ!!!

«ЎзДЭУавто» компанияси

ОМАД ВА ҚУВОНЧ КЕЛТИРУВЧИ ЮТУҚ — битта автомобиль пулига

ИККИТА АВТОМОБИЛНИНГ

бахтли соҳиби бўлишга имкон яратади!

ЎЙИН ШАРТЛАРИ:

- **ўйинда 2002 йил 7 мартдан бошлаб сотилган дастлабки 2500 автомобиль иштирок этади;**
- **автомобиллар компаниянинг расмий дилерлик корхоналари автосалонларида сотиб олинган бўлиши шарт;**
- **ютуқ соҳиблари сотилган автомобилларнинг кузов рақамлари бўйича ўтказилган лотерея ўйини натижасига кўра аниқланадилар;**
- **ютуқ соҳибига ўзи сотиб олган автомобиль русумидаги автомобиль совға қилинади.**

ШОШИЛИНГ!

7 мартдан бошлаб ўйинда иштирок этадиган 2500 автомобиль сотилмоқда!

Имкониятингизни бой берманг!

Компаниянинг дилерлик корхоналари сизларни кутмоқда!

Ўйин Ўзбекистон телевидениесининг биринчи канали орқали намойиш этилади.

Матбуотдан хабардор бўлиб туринг: автомобиль сотиб олган ҳар бир шахс ютуқ эгаси бўлувчи номзодлар рўйхатига киритилади.

Телевидениеда ўйин ўтказилишидан аввал иштирокчиларнинг исми ва фамилиялари «Халқ сўзи», «Народное слово», «Правда Востока», «Ўзбекистон овози», «Қишлоқ ҳаёти» газеталарида чоп этилади!

Барча саволлар бўйича компаниянинг расмий дилерларига мурожаат қилинг.

МАЪЛУМОТ УЧУН КОМПАНИЯНИНГ ТОШКЕНТДАГИ ВАКОЛАТХОНАСИ ТЕЛЕФОНЛАРИ: 67-97-74, 67-33-65

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI

Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Baxtiyor HAMIDOV (Mas'ul kotib)
Rahima HAKIMOVA
Tolepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV
Mahkamboy O'MAR o'g'li

MUASSIS:

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:

Siyosat va huquq —	133-44-55
Iqtisodiyot —	133-76-04
Ma'naviyat —	133-07-20
Xatlar va ommaviy ishlar —	133-12-56,
Axborot —	136-55-16
Kotibiyat —	133-72-83
Reklama va e'lonlar —	133-38-55, 133-47-80
Faks —	133-73-43, 133-06-83

VILOYAT MUXBIRLARI:

Andijonda —	25-16-16
Buxoroda —	222-10-92
Gulistonda —	25-03-80
Jizzaxda —	5-49-85
Navoiyda —	3-39-20
Namanganda —	6-43-43
Nukusda —	222-70-12
Samarqandda —	35-20-54
Toshkentda —	136-53-16
Urganchda —	226-51-35
Farg'onada —	26-43-62
Qarshida —	4-61-35
Termizda —	3-79-98

MANZILIMIZ:

700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi
Erkin XOLBOBOEV

Gazeta «Ozbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchi
Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili:
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A—2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini kochirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 3102

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 23.00
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA